

### ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА



### “ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ”.

#### 4-БОБ: ТИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ, ТИЛДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ/ЎҚУВЧИ

##### 4.2 Коммуникация мавзулари

Турли соҳалар доирасида биз мулоқот ҳаракатларининг асосини ташкил этувчи дискурс, суҳбат, мулоҳаза ёки иншоларнинг предмети бўлган мулоқот мавзуларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Мавзу категорияларининг кўплаб таснифлари мавжуд. Улардан бири мавзу, кичик мавзу ва “махсус тушунчалар”га бўлинган ҳолда “Бошланғич даража” (1990) китобининг 7-бобида келтириб ўтилган:

1. Ўзи ҳақида.
2. Уй ва яқин қариндошлар.
3. Кундалик турмуш.
4. Бўш вақт, ўйин-кулги.
5. Саёҳат.
6. Бошқа инсонлар билан муносабат.
7. Соғлиқ.
8. Таълим.
9. Харидлар.
10. Овқат ва ичимликлар.
11. Хизматлар.
12. Жойлар.
13. Тил.
14. Об-ҳаво.

Қайд этиб ўтилган ҳар бир мавзудан кичик мавзулар ажратиб олинади. Масалан, 4 – “Бўш вақт ва ўйин-кулги” мавзусидан қуйидаги кичик мавзуларни ажратиб олиш мумкин:

- 4.1 дам олиш;
- 4.2 хобби ва қизиқишлар;
- 4.3 радио ва телевидение;
- 4.4 кино, театрлар, концертлар ва бошқалар;
- 4.5 кўргазмалар, музейлар ва бошқалар;
- 4.6 ақлий ва бадиий фаолият;
- 4.7 спорт;
- 4.8 матбуот.

Ҳар бир кичик мавзу доирасида мана шу кичик мавзуга тааллуқли бўлган жой, муассаса ва бошқаларга таъриф берувчи “махсус тушунчалар” бўлади. Масалан, “спорт” деб номланган 4.7 банд учун “Бошланғич даража” (1990) китоби муаллифлари қуйидаги “тушунчалар”ни келтириб ўтишади:

1. Жойни кўрсатиш: майдон, спорт майдони, стадион.
2. Муассаса ва идоралар: спортклуби, спорт жамоаси.
3. Мулоқот иштирокчилари: ўйинчилар.
4. Нарсалар.
5. Воқеалар: югуришлар, ўйинлар.
6. Хатти-ҳаракатлар: (спорт турининг номи)ни кўриш, ўйнаш, югуриш, ютиш, ютқозиш, қуръа ташлаш, матч

Табиийки, мавзу, кичик мавзу ва махсус тушунчаларнинг бундай танланиши ва тузилиши якуний ва мукамал ҳисобланмайди. Муаллифлар бунда ўқувчиларнинг мулоқот эҳтиёжларини ўзлари баҳолаган хусусиятларга таянишган. Қайд этиб ўтилган мавзуларнинг аксарияти шахсий ва ижтимоий соҳаларга оид бўлиб, улар мамлакатга маълум муддатга келган ва ушбу давлатнинг таълим ва ишбилармонлик ҳаётида иштирок этиш эҳтимоли бўлмаган инсонлар учун мос келади. Уларнинг айримлари (масалан, 4-мавзувий соҳа) қисман шахсий, қисман эса ижтимоий соҳаларга оиддир. Ўқувчилар, шунингдек, заруратга қараб, тил ўрганувчилар ўзлари учун муҳим бўлган соҳа ёки соҳалардаги мулоқот эҳтиёжларини, омилларни, имкониятларини баҳолаш орқали мавзу борасида ўзлари қарор чиқаришади. Масалан, касбий фаолиятда фойдаланиш мақсадида тил ўрганиш ўқувчининг касбий фаолиятига оид мавзуларга эҳтиёжни келтириб чиқаради. Ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари фан, техника, иқтисодиёт ва бошқалар билан боғлиқ мавзуларга нисбатан батафсилроқ тўхталишлари мумкин. Чет тилидан ўқитиш воситаси сифатида фойдаланиш албатта ўрганилаётган масаланинг мазмунига жиддий эътибор қаратишни назарда тутиши лозим.

*Қуйидаги саволларни таҳлил қилиб, уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- *Мулоқотнинг маълум бир соҳаларида ўқувчилар қайси мавзуларга тўхталишлари керак/мумкин/шарт?*

- *ҳар бир мавзу доирасида улар қандай кичик мавзуларни билишлари керак?*

- *Улар ҳар бир мавзу (кичик мавзу) доирасида мулоқот жойи, муассасаси/ташкилоти, иштирокчилари, нарсалар, воқеалар ва хатти-ҳаракатларга оид қандай махсус тушунчаларга тўхталишлари мумкин/керак/тўхталадилар?*

### **4.3 Мулоқотнинг мақсад ва вазифалари**

**4.3.1** Тилдан фойдаланувчи бир ёки бир нечта суҳбатдош иштирокидаги мулоқотни ушбу вазиятдаги ўз эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширади. Шахсий соҳада оила, дўстлар, қизиқишлар, ёқтирмайдиган нарсалар ҳақидаги суҳбат билан меҳмоннинг кўнглини олиш, у билан тажриба ва фикр алмашиш истаги ана шундай эҳтиёж бўлиши мумкин. Ижтимоий соҳада – битим тузиш, масалан, мақбул нархларда сифатли кийим харид қилиш. Касбий соҳада – янги қоидалар ва уларнинг мижоз учун оқибатларини тушуниш. Таълим соҳасида – ролли ўйин ёки семинарда иштирок этиш, конференция ёки матбуот учун маълум бир мавзуда маъруза тайёрлаш ва бошқалар.

**4.3.2** Тилнинг эҳтиёжлари ва ўзига хосликларини ўрганиш йиллари давомида ўқувчи мулоқотнинг турли соҳаларида ўз эҳтиёжларини қондириш учун бажариши зарур ва мумкин бўлган мулоқот вазифалари тадқиқотига бағишланган кўплаб китоблар нашр этилган. Шулардан бири – “Бошланғич даража” (1990) китобидаги касбий соҳадаги мулоқот вазифалари рўйхати акс этган 2-боб, 1.12 банди ҳисобланади.

### **Иш жойидаги мулоқот**

Тил ўрганувчи хорижда вақтинча истиқомат қилар экан, қуйидагиларни билиши керак:

- қонунчиликка асосан ишлаш учун рухсатнома олиш;
- талаб мавжуд бўлган касблар, вакансиялар ва ишга олиш шартлари (масалан, мажбуриятлар, маош, ходимларга қўйиладиган талаблар, иш ва таътил жадваллари, ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳлантириш бериш

муддатлари) тўғрисида маълумот олиш (масалан, бандликни таъминлаш агентликларидан);

- вакансиялар ҳақидаги эълонларни ўқиш;
- ишга қабул қилиш тўғрисида ариза ёзиш ва суҳбатдан ўтиш, оғзаки ёки ёзма шаклда ўзи, маълумоти, касби, аввалги ишлаган жойлари ҳақида маълумот бериш ҳамда тегишли саволларга жавоб қайтариш;
- ишга жойлашишни расмийлаштириш билан боғлиқ расмийликларни тушуниш ва бажариш;
- иш жойидаги мажбурияларни тушуниш ва улар ҳақида саволлар бериш;
- техника хавфсизлиги бўйича қоида ва йўриқномаларни тушуниш;
- бахтсиз ҳодиса ҳақида хабар бериш ва зарарни қоплаш юзасидан аризани расмийлаштириш;
- ижтимоий муҳофаза дастурларидан фойдаланиш;
- раҳбарият, ҳамкасблар ва ходимлар билан ўрнатилган тартибда муомалада бўлиш;
- корхона ёки ташкилотнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш (масалан, ошхонада, спорт залида, клубда ва бошқа жойларда).

Ўзини қабул қилаётган жамиятнинг аъзоси сифатида ишчи/ўқувчи инглиз тилида сўзловчи кишига (тил вакилига ёки вакили бўлмаган кишига) юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажаришда ёрдам бера олиши керак.

“Бошланғич даража” (1990) китобининг 7-боб 1 бандида шахсий соҳа учун хос бўлган вазифалар рўйхати берилган.

#### **Ўзи ҳақида маълумот:**

Ўқувчилар ўзларининг ким эканликларини айтиб бера олади, исми шарифлари ёзишни, ўз манзилларини, телефон рақамларини, қачон ва қаерда туғилганликларини, ёшлари нечада эканлигини, жинсини айтишни билади, ўз оиласини таърифлашни уддалайди, миллатини, динга муносабатини, жумладан, қайси динга эътиқод қилишини, қаердан келганликларини ва ким бўлиб ишлаётганлигини айта олади, ўз қизиқишлари ва ёқтирмайдиган нарсаларини санашни билади, бошқа одамларни таърифлаб бера олади, бошқа одамлардан тўлиқ маълумот олишни билади.

Тил билан ишловчилар (ўқитувчилар, ўқув дастурларини яратувчилар, имтиҳон олувчилар, жадвалларни тузувчилар ва бошқалар), тилдан фойдаланувчилар (ота-оналар, тарбиячилар, хизматчилар ва бошқалар) ҳамда тилни ўрганувчиларнинг ўзлари мулоқот вазифаларининг бу қадар батафсил ва ҳар томонлама таснифланишини жуда фойдали ҳамда ўқитиш жараёнини рағбатлантирувчи деб ҳисоблашади. Аммо бундай вазифалар сон-саноксиз бўлиши мумкин. Шу боис, умумий тузилма доирасида тил ўрганувчи реал ҳаётда дуч келадиган ва ҳал этиши керак бўлган барча мулоқот вазифаларини

тўла-тўқис кўрсатиб ўтишнинг имкони йўқ. Тил билан ишловчилар ўқувчиларнинг эҳтиёжларини ўзлари аниқлашлари, сўнгра “Компетенциялар” имкониятидан тўла фойдаланган ҳолда (тўлароқ 7-бобга қаранг), уларнинг қандай аниқ вазифаларни бажара олишларини белгилашлари зарур. Шунингдек, ўқувчиларни ўзларининг мулоқот эҳтиёжларини мустақил равишда таҳлил қилишга ҳам ўргатиш керак. Бу ўқувчилар томонидан тил ўрганишда ўқув жараёнини англаб етишни ошириш ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришнинг усулларидан бири саналади.

*Қуйидаги саволларни таҳлил қилиб, уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- *тил ўрганувчи шахсий, ижтимоий, касбий ва/ёки таълимий соҳада қандай мулоқот вазифаларини бажариши керак/мумкин/бажаради;*
- *тил ўрганувчининг у ёки бу вазифани танлаш учун асос бўладиган эҳтиёжларини.*

**4.3.3** Таълим соҳасида ҳам тил ўрганувчилар тилдан фойдаланувчи сифатида бажаришлари мумкин/зарур бўлган вазифалар билан таълим жараёнининг таркибий қисми бўлган вазифалар ўртасидаги фарқни ажратиб олиш муҳимдир.

Ўқув жараёнини режалаштириш, амалга ошириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш воситаси ҳисобланган вазифаларда эса зарур ахборот ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:

• *вазифаларнинг турлари*, масалан, синфдаги моделлаштириш, ролли ўйин, мулоқот ва бошқалар;

• *мақсадлар*, масалан, алоҳида олинган ўқувчиларнинг тахмин қилиш мушкул бўлган мақсадларидан фарқ қилувчи бутун гуруҳнинг таълимий мақсадлари;

• *ахборотни киритиш*, масалан, ўқитувчилар ва/ёки тил ўрганувчи томонидан танланган ёки тузилган вазифалар, материаллар ва бошқалар;

• *натижалар*, масалан, матн, сўзлаб бериш, баён этиш, жадваллар, маърузалар ва бошқалар шаклидаги ташқи аниқ маҳсулотлар, ҳамда хабардорликнинг, эътиборнинг, тушунишнинг, стратегиянинг яхшиланганлиги, қарорлар қабул қилиш ва музокаралар олиб бориш каби ички маҳсулотлар;

• *фаолият*, масалан, когнитив/эмотив, жисмоний/рефлексив, гуруҳ бўлиб/жуфт бўлиб/якка ҳамда англаш ва натижанинг бошқа жараёнлари ва бошқалар (4.5 қисмга қаранг);

- иштирокчиларнинг ҳам вазифаларни бажаришдаги, ҳам режалаштиришдаги *роллари*;

- вазифаларнинг бажарилишини аҳамиятлилик, мураккаблик, чекловлар, ҳамда мақсадга мувофиқлик каби мезонлар асосида *назорат қилиши ва баҳолаш*.

Тил ўрганиш ва тил ўргатишда вазифаларнинг роли ҳақидаги батафсил маълумотлар 7-бобда берилган.

*Қуйидаги саволларни таҳлил қилиб, уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- *тил ўрганувчилар моделлаштирилган вазиятларда қандай вазифаларни бажаришлари керак/мумкин/бажарадилар: а) бирор бир мақсадга эришишга қаратилган суҳбат, лойиҳа, ролли ўйинлар ва бошқаларнинг иштирокчиси; б) таълим чет (иккинчи) тилда олиб бориладиган бошқа вазиятларда: 1) тил ўрганиш бўйича имтиҳонларда; 2) дастур доирасидаги бошқа фанлар бўйича дарсларда.*

#### *4.3.4 Тилдан кўнгилочар мақсадларда фойдаланиш*

Тилдан кўнгилочар мақсадларда фойдаланиш уни ўрганиш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга, лекин у фақат таълим соҳаси билан чекланиб қолмайди. Тилдан кўнгилочар мақсадларда фойдаланишга қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш мумкин:

Гуруҳдаги тилга оид ўйинлар:

- оғзаки («қандай, қаерда, қачон» ва бошқа хатолар тарихи);
- ёзма (манتيқий занжирлар, дор ва бошқалар);
- аудио-визуал (лотто, мозаика ва бошқалар);
- стол ва қарта ўйинлари («Ажи-бужи хат», «Лексикон», «Дипломатия» ва бошқалар);
- шарадалар, пантомима ва бошқалар.

Якка тартибдаги ўйинлар:

- бошқотирмалар (кроссвордлар, ребуслар, анаграммалар ва бошқалар);
- телекоммуникациявий ўйинлар (теле- ва радиоўйинлар, шифрланган хатлар, «Шиорлар»).

Ҳазиллар (сўз ўйинлари ва бошқалар), масалан:

- реклама эълонларида;
- газета сарлавҳаларида;
- деворий ёзувларда.

#### 4.3.5 Тилдан эстетик фойдаланиш

Тилдан тимсолий ва ижодий фойдаланиш ҳам таълимий контекстда, ҳам ўз-ўзича аҳамиятга эга. Тилдан ҳам оғзаки, ҳам ёзма кўринишда қолип асосида, сермахсул, интерактив, медиатив (4.4.4 бандга қаранг) фойдаланиш мумкин. У фаолиятнинг куйидаги турларида қўлланилади:

- куйлаш (болалар, халқ, оммабоп кўшиқлар ва бошқалар);
- воқеаларни қайта сўзлаш ва асосий мазмунини айтиб бериш;
- адабий-бадий асарларни (ҳикоялар, шеърлар ва бошқаларни, шу жумладан, аудиовизуал матнлар, мультфильмлар, комикслар ва бошқаларни) тинглаш, ўқиш, ёзиш ва оғзаки сўзлаб бериш;
- пьесаларни кўйиш (ҳам сценарий асосида, ҳам сценарийсиз);
- бадий асарларни яратиш, идрок этиш ва тақдим қилиш, масалан: матнларни (ҳикоялар, романлар, шеърлар ва бошқаларни) ўқиш ва кўйиш; концертлар, пьесалар, опералар ва бошқаларни кўйиш/тинглаш.

Бу ўринда умумлашма тарзда таърифланган, ҳамда, одатда, ўрта мактабларнинг юқори синфларида ва олий ўқув юрларида чет тилларни ўрганишнинг асоси, аксарият ҳолларда эса, ҳатто бош жиҳатлари соддалаштирилган бўлиб кўриниши мумкин. Лекин бу хато тасаввур. Миллий ва ҳудудий адабиётлар – Европа маданий меросига қўшилган қимматли ҳисса бўлиб, Европа Кенгашининг фикрига кўра, “муҳофаза этилиши ва ривожлантирилиши керак бўлган қимматли умумий манба” ҳисобланади. Адабиётларни ўрганиш фақат эстетик мақсадни эмас, балки таълимий, ақлий, маънавий ва ҳиссий мақсадларни ҳам кўзлайди. Турли синфлардаги ўқувчиларга адабиётдан сабоқ бераётган ўқитувчилар таълим бериш мақсад ва услублари шаффофроқ бўлиши учун компетенциянинг кўплаб бўлимларидан фойдаланишни зарур деб билишларига ва маъқул кўришларига умид қилиб қоламиз.

*Куйидаги саволни таҳлил қилиб, уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:*

- *тил қандай кўнгилочар ва /эстетик мақсадлар учун қўлланилиши керак/мумкин/қўлланилади?*

**Наргис ҚОСИМОВА таржимаси.**